




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



KYRGYZ HISTORIOGRAPHY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

Samandar Salimov

Lecturer

*Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, Kyrgyz Republic, Kyrgyz people, Devonu lug'ati-turk, Kyrgyz history.

Received: 14.06.22

Accepted: 16.06.22

Published: 18.06.22

Abstract: In the late 1980s and early 1990s, all fifteen states within the USSR gained independence, both internally and externally. This, in turn, has led to a reconsideration of views on the creation of national history, in order to fully understand this, it is important to get acquainted with the work on the issue of national history in the years of independence. In this article, we will try to look at the trends in the history of the Kyrgyz people after 1991.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚИРГИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Самандар Салимов

Ўқитувчи

*Тошкент давлат шарқшунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Кирғизистон Республикаси, Кирғиз халқи, “Девону луғати-турк”, қирғиз тарихи.

Аннотация: XX аср 80 йиллар охири 90 йиллар бошларида СССР таркибида бўлган барча ўн беш давлат ҳам ички ҳам ташқи томондан мустақилликка эришди. Бу эса ўз навбатида миллий тарихни яратишдаги қарашларнинг қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлди, буни тўлиқ можиятан англаш учун мустақиллик йилларида миллий тарих масаласига қаратилган ишлар билан танишиш муҳим саналади. Мазкур мақолада биз Қирғиз халқи тарихининг 1991 йилдан

сүнг қайси тенденциялар асосида ривожланганлигини кўриб ўтишга ҳаракат қиласиз.

КЫРГЫЗСКАЯ ИСТОРИОГРАФИЯ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

Самандар Салимов

преподаватель

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Средняя Азия, Кыргызская Республика, кыргызы, Девону лугати-т-турк, история кыргызов.

Аннотация: В конце 1980-х - начале 1990-х годов все пятнадцать государств в составе СССР обрели независимость как внутри страны, так и за ее пределами. Это, в свою очередь, привело к переосмыслению взглядов на создание отечественной истории, для полного понимания этого важно ознакомиться с работами по отечественной истории в годы независимости. В этой статье мы попытаемся рассмотреть тенденции в истории кыргызского народа после 1991 года.

КИРИШ

Марказий Осиё давлатлари мустақилликни қўлга киритгандан сўнг барчаси ўз тарихини янгитдан ёзишга киришди. Қирғизлар ҳам шу йўлдан бориб, миллий ўзликни тиклаш йўлида қирғиз, Қирғизистон тарихига оид кўплаб тадқиқотлар олиб боришиди ва уларнинг натижаларини турли шаклда нашр қилинди. XX асрнинг охирида, яъни 90 йиллар бошида Қирғизистон тарихчилари икки гурухга бўлинди. Биринчи, совет давлати томонидан ёзилган қирғиз тарихини қўлловчилар гурухи, Т. Чотонов фикри билан айтганда, совет даврини қумсовчи, совет давлатида улгайган советпастлар. Бу гурухда М. Токтомушев, Ж.Юнусалиев, О.Караев, А.Азиматов, А.Абдухолиқов, Г.Павловналар бор эди. Улар турли сабаб билан ишдан бўшатилди ёки эрта нафақага чиқарилди. Чунки, Қирғизистон тарихини янгича ёзадиган, янги сиёсатга мос тушадиган тарихий асарларга эҳтиёж сезилди. Шунда 80 йилларнинг охирида шаклана бошлаган ёш қирғиз тарихчилар жамоаси юзага чиқди. Қирғизистон тарихини очиб берувчи энг қадимги манбалар, фактлар излана бошланди. Шу гурух турли даврларга бўлинган ҳолда қирғиз тарихини ўрганди. Биринчи гурух археологлар гурухи бўлиб, Михайл Москалёв, Табалдиев Кубатбек, А.К.Абетековлар археология жиҳатдан ватан тарихини ёзди. Мустақиллик йилларида чоп қилинган адабиётлар таҳлил қилинганда яратилган аксарият ишлар этнография, этнология соҳаларида амалга оширилганлиги кузатилди. Хусусан, Г.К.Абдалиева, А.С.Акматалиев, С.К.Алымкулова, А.Асанканов, А.К.Бектемирова,

А.Р. Бикбулатова, К.Р.Жаныбекова, А.С.Кочкунов, Д.Т.Молдокулова, М.Ч.Кожобеков, А.К.Мирзакметов, Д. Б.Сапаралиев, А.С.Турдуева, С.Н.Эралиевлар қирғиз халқи турмуш тарзи, этногенезининг турли қирраларини очиб берди. Хусусан, Н.К Каримбекова Қирғизистон худудининг этно-сиёсий тузилишига бағишлиланган илмий тадқиқотида у қирғиз халқининг этногенези ва этник тарихига оид қуидаги маълумотни беради: “Мазкур китоб қирғиз халқининг шаклланиши ва унинг асл худудларини белгилаб берган энг дастлабки ишдир. Гарчи илгари бу каби ишларни амалга ошириш зарурати бўлсада, аммо тайинли ўрганилмаган. Бунга сабаб эса ё ўша давр сиёсий қарашларига тўғри келмаган ё олимлар ҳам “ёпиқ қозон ёпиқлигича қолишини” истаган бўлиши мумкин”- деб изоҳлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аслида эса мустақиллик арафасида С.Т.Табишилиев, Р.З. Кирилбаева ва И.Д.Молдабаевлар ўз халқининг келиб чиқиши масаласида янги назарияларни ўртага ташлайди. Юқоридаги асарларга таяниб Анвар Байтур қирғиз халқи, унинг тарихи ва келиб чиқиши ҳақида кўп жилдан иборат бўлган китобни нашр этади.

Шу ўринда 1994 йил 24 сентябрда бўлиб ўтган “Қадимги ва ўрта асрларда қирғиз этногенези ва этник маданиятининг шаклланиши” деб номланган халқаро конференция ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унда қирғизларни халқ сифатида ташкил топган даври XV аср деб белгиланган. Бу фикрни тасдигига йўналтирилган илмий ишларни 1994 йилда С.Г. Кляшторний, А.М. Мокеев ва В.П. Мокринилар ҳам эълон қиласидар.

Қирғизларнинг келиб чиқиши масаласи бўйича XX аср 90 йиллари ўрталарида бошлаб Т.Чоротегиннинг тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин. Аксарият унинг ишлари муғуллар давригача мавжуд бўлган қирғизларнинг жойлашган ўрни ва ҳаёт тарзига бағишлиланган. Мазкур даврда А. Умурков қирғиз халқининг келиб чиқиш тарихини бадиий бўёқлар ва афсоналарга асосланган ҳолда кўрсатиб беради.

В.Й.Бутанаев, Й.С.Худяков, А. Жаслиқов, С. Омурзаков, А. Мокеев, Ў.Ж.ОсмоновА.А. Асанканов ва Рафис Авазовлар мазкур масалани тадқиқ қилишда янги даврни бошлаб беришди. Улар қадимги қирғизлар, қирғизлар тарихида “Манас”нинг тутган ўрни, қирғизларнинг қарлуқлар билан муносабатлари ва қирғизлар тарихи каби масалаларга бағишлиланган кўплаб тадқиқотлар натижаларини чоп этдилар.

Қирғизистоннинг мустақиллик йилларида сиёсати А.Акунов, Галиева Зайраш сингари тадқиқотчилар ишларида баён қилинди. Жадидлар даври, қирғиз жадидларининг илмий мероси Ж.Р.Байдилдеев, К.С.Молдокасымовлар тадқиқот ишларида ўрганилди. Илк ўрта асрларда қирғиз халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти масаласига М.Ч. Кожобековнинг тадқиқоти бағишиланди. Араб ва форс манбаларида қирғизлар тарихига оид таҳлиллар О.Кара уулу, Т.Т.Машраповларнинг илмий ишларида келтирилди. А.М.Кылычев А.Темур

ва темурийлар давридаги ҳаёт масаласини очиб берди. Айнан шу тадқиқотнинг давоми сифатида XV-XIX асрларда қирғизларнинг Ўрта Осиё давлатлари билан бўлган муносабатига бағишланган иш Темурлан Оморов томонидан эълон қилинди. СССР даврида қирғиз халқларининг мардоновор қаҳрамонликлари Ш.Д. Батырбаева, Т. Жоробековлар томонидан ўрганилди. Куйида баъзи тадқиқотларнинг батафсил мазмунини берилади. Баъзи қирғиз тарихчиларининг ҳаёти, илмий ижоди кенроқ ёритилса мустқиллик йилларидағи қирғиз тарихшунослигининг умумий қиёфаси шаклланади.

Михаил Москалёв Қирғизистон археологиясини мустақиллик йилларида атрофлича ўрганган олимлар биридир. Асли келиб чиқиши белорус миллатига мансуб бўлган олим Тян-Шан воҳасининг ўрта асрлар маданияти, Қум-Тўра туманинг археологик тарихи ва Олой воҳасининг археологик ўрганилиши каби тадқиқотлар муаллифи ҳисобланади. Қолаверса, Михаил Москалёв Қирғизистон археологиясининг турли қирраларини очиб берган икки юзга яқин мақолалар муаллифидир. Унинг илмий изланишлари илмийлик, тарихийлик ва ҳолислик назариясига асосланган. Аниқ далиллар асосида қирғиз тарихини очиб берган. Қирғизистонда мустақиллик йилларида ўз мактабини яратиб ўттиздан ортиқ шогирдларга устозлик қилган. Михаил Москалёв мактабининг энг яхши давомчиларидан бири Табалдиев Кубатбек саналади. Ҳозирги кунда “Қирғиз тарихчилари жамиатининг” вице-президенти лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Асосий тадқиқот мавзуси эса Тян-Шан ҳудудида ўрта асрларда яшаган қабилалар, Тян-Шаннинг қадимги ёдгорликлар каби мавзулардир. Қирғиз халқининг 19-20 асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, уларнинг жойлашган ўрни, хорижлик тадқиқотчилар асосан рус олимлари томонидан ўрганилиши сингари масалалар Бектемир Жумабоев ишларида акс этган.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб қирғиз халқи тарихини ёза бошлаган олимлардан бири Т.Чоротегин Тинчтиқбекдир. У Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг 1985-1988 йиллардаги аспиранти бўлган. 1990 йиллардан бошлаб тарихий тадқиқотлари орқали янгича қирғиз тарихи ҳақида асарлар ёзган. 1989-1995 йилларда “Қирғизистон ёш тарихчилар ассоциясининг” етакчиси бўлиб, Қирғизистон тарихини советча назария билан ёзётганларга қарши курашган. 90 йилларнинг бошларида Б.У.Урстанбеков, Т.К.Чороев (Чоротегин исмига кейин ўзгартирилган) биргаликда янгича ёндашув асосида ёзилган “Қирғиз тарихи” бўйича дастлабки китоблардан бирига муаллифлик қилди. 1992 йил Т.Тургунали, К.Асаналиев, М.Керимбаев, Т.Чоротегинлар Қирғизистон Конституцияси учун ўз лойияларини тақдим қилди. 1990 йилларда Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асари таҳлилини бир неча марта нашр килдирган. Мазкур асарда “Девону луғати-т-турк” китоби барча Марказий Осиёда яшовчи халқлар тарихи бўйича муҳим манба эканлигига урғу берган. Айниқса, қирғиз халқи, унинг тарихи

бўйича энг муҳим маълумотлар шу асарда эканлигига кўп бора ишора қилинган. Унинг қирғиз халқининг қадимги тарихи, манбалари хусусидаги тадқиқотлари ҳам аҳамиятлидир. Масалан, “Очерки истории кыргызов и Кыргызстана” номли китобида қирғиз халқининг қадимиётдан 18 асрغا бўлган тарихи баён қилинган. Т.Чоротегин қирғиз халқи тарихи бўйича бир нечта дарслклар ҳам муаллифи ҳисобланади. Хусусан, “Краткий курс по изучению арабской графики современных кыргызов КНР”, “Учебники по истории кыргызов и Кыргызстана для 6-8 классов средних школ”, “Кыргыздардын жана Кыргызстандын кыскача тарыхы”, “Байыркы дўйнө тарыхы” каби асарлар қирғиз ёшлари учун дарслк вазифасини бажармоқда. Чоротегин Тинчтиқбекнинг асарларини таҳлил қилиб, тарихга илмийлик ва ҳолислик назарияси билан қараш тамоилларидан чекиниш ҳолларини кузатилди. Айниқса, унинг “Мустақиллик йилларида Қирғизистон тарихшунослиги” номли мақоласида бу ҳолат аниқ кўзга ташланади. У тарихчиларни икки тоифага бўлган. Қирғизлар тарихини қадимиёрот кўрсатиб, мақтаб ёзувчи тадқиқотчилар унинг наздида ҳақиқий тарихни ёритиб бераётган олимлар. Аммо, қирғиз тарихи бўйича танқидий руҳда илмий далиллар асосида ёзувчилар эса советпарастлардир. Советлар қирғиз тарихини соҳталашибирган ва бузиб кўрсатган. Қирғиз этноними эса милоддан аввалги 3 асрга бориб тақалади. Қирғизнинг халқ бўлиб шаклланиши ҳам анча қадимга боради. Рус босқинчиларига қарши курашган ҳам қирғизлар, 1898 йилдаги Андижон воқеаларининг ҳам асосий қисми қирғизлар бўлган. 1916 йилги воқеалар ҳам қирғизлар томонидан ташкил қилинган. Хуллас, Т.К.Чороев даъволарини узоқ давом эттириш мумкин. Юқорида таъқидлаган фикримизни яна бир бор эслатиб ўтиш керак. Марказий Осиёдаги барча халқларнинг ўтмиши, ҳаёт тарзи, урф-одати ва бошқа жиҳатлари бир хилдир. Уларни бир-биридан ажратиб алоҳида халқ, тарих ёзишга уринишнинг ўзи мантиққа тўғри келмайди деб биламиз. Т.К.Чороев билан қараш ва фикрлари ўхшаш олимлардан бири профессор Токторбек Наматбек уулу Ўмурбековдир. Унинг асосий тадқиқот йўналишларидан бири қирғиз достончилиги тарихи, “Манас” достонинг тарихий аҳамияти, қирғиз халқи тарихидаги машҳур ботирларни ўрганишдир. Диссертация мавзуси эса 1916 йилги воқеаларда қирғиз халқининг иштироки, 20 асрнинг бошларида Қирғизистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолатга бағишлиланган. Унинг тадқиқотларида илмий ҳолислик кўзатилади. Илмий ишларини манбалар билан далиллашга ҳаракат қилган. Қирғиз халқи достончилик тарихини мукаммал даражада очиб берган. Марказий Осиёдаги бошқа тарихчиларга ўрнак бўладиган даражада.

Хозирги кунда Қирғизистон тарихи бўйича сермаҳсул ижод қилиб келаётган тадқиқотчилардан бири профессор Осмонов Оскен ҳисобланади. У қирғиз тарихи бўйича 40дан ошиқ китоблар муаллифи бўлиб, китоблари дунёнинг кўплаб тилларига таржима

қилинган. Ўттиздан ошиқ фан номзодлари ва докторларига илмий раҳбарлик қилган. Унинг китобларида Қирғизистон тарихининг энг қадимги даврларидан токи шу кунгача бўлган воқеалари акс этган. Баъзи Марказий Осиё давлатларида бўлгани каби совет даврини қоралаш, қирғиз халқини энг қадимги халқлардан бири сифатида кўрсатиш анъянси кўриниб туради. 2016 йил нашр қилинган “Қирғизистон тарихи” номли китобни таҳлилини қуида келтирамиз. Қитоб 563 бетдан иборат бўлиб, уч асосий боблардан ташкил топган. Кириш қисмида Қирғизистон тарихи мусақиллик йилларида қай даражада ўрганилаяпти, нималар ўрганилиши керак, “Манас” достонининг қирғиз халқи тарида тутган ўрни баён этилган. Биринчи бобда эса Қирғизистоннинг энг қадимги давридан 19 асрغا бўлган тарихи акс эттирилган. Хусусан, унда “Қирғизистон тош даврида”, “Довон давлати”, “Турқ ҳоқонлиги”, “Улуғ қирғиз давлати”, “Мўғуллар даврида қирғизлар”, “Темур даврида қирғизлар”, “Қирғизлар Кўқон хонлиги таркибида”, “Қирғизлар маданияти” каби мавзулар очиб берилган. Иққинчи бобда эса “Қирғизистон Россия империяси ва СССР қарамлигига” деб номланган бўлиб, унда Қирғизистоннинг руслар истило қилинишидан 1990 йилгача бўлган тарихи акс этган. Учинчи боб эса “Мустақиллик йилларида қирғизлар давлати” деб номлани, Қирғизистон Республикасининг пайдо бўлиши, ижтимоий-сиёсий аҳвол, ташки сиёсат ва бошқа давлатлар билан олиб бораётган сиёсати очиб берилган. Бизни эътиборимизни тортган жиҳати мустақиллик йилларида қирғиз тарихчиларининг совет даврини ёритиши масаласи бўлди. О.Осмоновнинг асарлари совет даври бўйича энг асосий манба ҳисобланади. Мазкур асардаги ғоялар фақат совет давлатини қоралаш руҳида ёзилган. Аммо, Қирғиз қабилаларига давлат мақомини берган СССР ҳақида бунчалик ноҳолисликка бориш тўғри эмас деб, ўйлаймиз.

Қирғиз давлатчилиги ҳақида Дамира Ўтимбаевани фикрлари қуидаагича: “мустақил давлатлар ўзларининг янги мақомларини оқлаш учун «миллий афсонани» яратишлари керак, Қирғизистон тарихчилари ҳам шу йўлдан борди. 1991 йилдан бери қирғиз тарихчилари қирғиз тарихини қадимдан излаб топиш йўлида Хитой ва Россия тарихий манбалари устида ишлади. Бироқ, уларнинг тадқиқотларида энг тортишувли ва қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган масала, шубҳасиз совет давридаги ўтмиш билан боғлиқдир. Аслида тарихий қирғиз давлати борасида далиллар кўп эмас. 1917 йилги октябрь инқилобига қадар Қирғизистонда сиёсий тузилмалар қабила асосли кичик бирликлар иборат бўлган. Совет ҳокимиюти ўрнатилиши билан, 1924 йилда Россия Совет Иттифоки Социалистик Республикасининг (РСФСР) таркибига кирган Қорақирғиз автоном областига қирғиз қабилалари «қирғизлар» номи остида бирлаштирилган. Мазкур давлат ҳозирги Қирғизистоннинг аксарият қисмини қамраб олган. Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси 1936 йилда СССР таркибидаги республикалардан бири сифатида ташкил

етилган". Дамира Ўтимбаеванинг фикрича, қирғиз халқи Россиясиз мавжуд бўлмасди ва бугун ҳам яшаб кетолмайди. Шунингдек, Қирғизистон мустақилликка эришгандан сўнг, миллат олдида номаълум тарихий шахслар, илгари номаълум қаҳрамонларни номини тиклаб, уларнинг илмий меросини қайта баҳолаш ёки янгитдан таҳлил қилиш бошланди. Масалан, 7-асрнинг охирида Энисей қирғизларининг ҳоқони сифатида хурматга сазовор бўлган Барс-бег янги тадқиқотлар мавзусига айланди. Худди шундай, XIX асрдан бошлаб фаол бўлган бошқа тарихий шахслар, масалан Шабдан ботир ва Қубонжон додҳоҳ янги илмий мавзуларга айланди. Бундан ташқари, 1950-1961 йилларда Қирғизистон ССР Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Ишоқ Раззоқовнинг ҳаёти, фаолияти ва роли бир қатор тадқиқотлар мавзуси бўлди. Миллий истиқбол ғояси, юқорида таъкидланганидек, қирғиз тарихини қайта ёзишни талаб қилди. Бундан ташқари, совет даврида бўлган даврга қараганда Қирғизистон ва Қирғизистон мактаблари ўқув дастурларининг маҳаллий тарихига кўпроқ эътибор қаратилди. Энг диққатга сазовор умумий тарих ва дарсликлар Р.Доронбекова, В.Мокринин ва В.Плоских, Дж.Джунушалиев, А.А.Асанканов, Ў.Осмонов, Т.Тчоротегин, К. Молдокасимов, В.Воропаева ва У.Чотоновлар томонидан ёзилди. Янги дарсликларда қуидаги мавзуларга алоҳида эътибор берилди: этногенез, қадимги қирғиз ватани, бугунги Қирғизистонда қадимги давлатлар, ўрта аср тарихлари, тарихий шахслар, қирғиз ССР ва бугунги кунда мустақил республика ижтимоий-сиёсий ҳолати каби мавзулар акс этди.

Мустақиллик йилларида қирғиз тарихшунослиги бўйича ҳам талайгина ишлар амалга оширилган. Масалан, А.Табишлиева Қирғизистонда октябрь инқилобидан 2000 йилгача бўлган тарихий тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берди, У ишида нафақат тадқиқотчилар ва мавзуларга, балки уларнинг камчиликларини ҳам айтиб ўтди. Т.К.Тчороевнинг иши тарихий кенг кўламли адабиётларни ўз ичига олди. Унда Совет идеологиясининг Қирғизистон тарихга таъсири муҳокама қилинди. Бундан ташқари, 1980 йилдан 2000 йилларгача нашр қилинган ишлар ҳақида умумий маълумот берди. Т.Д.Жуманалиев XX аср Қирғизистонга хос тарихий муаммолар билан шуғулланиб, марксистик ёндашув, тарихий ўтиш даври, минтақадаги кўчманчи жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ масалаларни ўрганди. Бундан ташқари, у жамият ва ўқувчилар ҳаётида тарих бебаҳо рол ўйнашини таъкидлаган. Мустақиллик йилларида нашр қилинган кўплаб адабиётларга танқидий баҳо берган. Қирғиз тарихини ўрганаётганда тарихшуносликканинг янги услубларидан фойдаланиш лозим дейди, тадқиқотчи ўз мақоласида.

А.Мокейев пост-совет давридаги марксист-Ленинист назарияларига эътиroz билдириб, Қирғизистонда миллий янгиланиш жараёни ва янги изланишлар изчил давом

этаётган таъкидлаган. У Қирғизистоннинг мустақиллик даври тарихи умумий чизгилар берган. У тарихчиларни икки гурухга бўлган. Биринчиси, собиқ совет одатларини астасекин энгиб чиқган ва инновацион тадқиқот усулларини қўллаётган профессионал тарихчилар гурухи бўлса, иккинчиси тарихий шахсларни кашф этаёган ҳаваскор "халқ ёзувчилари"ни ўз ичига олди. У ёзишича, қирғиз тарихи кейинги даврларда истаган одам томонидан ёзилмоқда ва жамоат мавзусига айланиб кетган. Бу эса кўпгина кашфиётлар ва ҳақиқий бўлмаган фактлар, илмий асоссиз иғволарни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Миллатлар ўртасида кескин низолар олиб келмоқда.

ХУЛОСА

Демак, мустақиллик йилларининг бошларида қирғиз тарихчилари икки гурухга бўлинган: СССР тарихини тўғри деб билувчи олимлар ва янги давр тарихчилари. Биринчи гуруҳ тарихчилар фаолиятига 1995 йилларда бутунлай барҳам берилган. Турли сабаблар туфайли ишдан бўшатилган ёки нафақага чиқарилган. Кейинги даврларда эса қирғиз халқининг ҳар бир даври бўйича тадқиқчилар етишиб чиққани қўзга ташланади. Айниқса, этнография, этнология соҳалари кўроқ ўрганилган. Лекин, 1995 йилдан кейинги тарихчиларни ҳам бўлиш мумкин. Шаклланган профессионал тарихчилар ва ҳаваскор олимлар гуруҳлари вужудга келган. Иккинчи тоифа тарихга кўп зарар келтирган. Яъни, фактлар ва далилларсиз турли фаразларни ўйлаб топган. Мустақиллик давридаги ишларнинг аксариятида муаллифлар тарихий тадқиқотлар моддий жиҳатдан яхши таъминланмаганидан нолишган. Шунингдек, тарихий асарларнинг кам нашр этилиши ҳам уларнинг асосий муаммоси сифатида кўрсатилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Historiography of Post-Soviet Kyrgyzstan, in: International Journal for Middle East Studies, 2002, Vol. 34, p. 351-374 (USA); (2002 Cambridge Un-ty Press 0020-7438/02)
2. Кыргызстан". Улуттук энциклопедия: 1-том. Башкы ред. Асанов Ү. А., Б.: Мамлекеттик тил жана энциклопедия борбору, 2006. ISBN 9967—14—046—1
3. Абдалиева Г. К. Формирование и развитие этнокультуры кыргызов, проживающих в КНР [Текст] / Г. К. Абдалиева // История и археология: материалы III междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, декабрь 2015 г.). — СПб.: Свое издательство, 2015.
4. Акматалиев, Амантур. Кыргыздын уз-усталары: Антология / Башкы ред. А.Карыпкулов. – Бишкек: Кыргыз Энциклопедиясынын Башкы редакциясы, 1997. - 240 б. - ISBN 5-89750-080-0
5. Кыргызско-алтайские – этнокультурные связи (по данным фольклора). – Б., 2013.

6. Жунго Шинжаң қыргыздары (Монография) / Сунуштуу редактор Макелек Өмүрбай; жооптуу редактор Токтосун Карыбек уулу. - Артыш: Кызылсуу Кыргыз басмасы, 2013. - ISBN 978-7-5374-1355-8. - 2+2+1+307 б., сүрөттөр.
7. Кыргызская этнография. – Бишкек, 2002.
8. Кыргызская сельская женщина / Отв. ред. А.Асанканов. - Б., «Шам» 2005. - 128 б.
9. Жаныбекова К.Р. Кыргыз-хакас тарыхый -этникалык байланыштарынын башаты //Вестник КНУ им. Ж.Баласагына. Выпуск 2. – Б.: 2005. – С. 59-61.
10. Көчкүнов А.С. «Этнические традиции кыргызского народа (социокультурные аспекты и некоторые вопросы генезиса)». – Бишкек, 2014.
11. Молдокулова, Динара Төрөкелдиевна. Кыргыздардын салттык журум-турум маданияты: (XIX кылымдын аягы - XX кылымдын башы) / Жооптуу ред. А.Асанканов. - Бишкек: Ж.И. "Сарыбаев Т.Т.", 2016. - 150 б. - ISBN 978-9967-04-743-3.
12. Кожобеков, Муратбек Чалакеевич. Кыргыз каганатынын тарыхы / Илимий ред. Т.К.Чоротегин. – Бишкек: Жусуп Баласагын атындагы КУУнун «Университет» басмаканасы, 2013. - 188 б
13. Мырзакметов Абдымиталип Камытович. Кыргыздардагы балдардын туулганына карата ырым-жырымдар– Бишкек, Кыргыз УИА, 2007.
14. Сапаралиев, Доолотбек Бекиш уулу. Этнополитическая история Оша и его окрестностей с 18 до середины 19 в. [Текст] / Д.Б.Сапаралиев; НАН Кыргыз. Респ. и др. - Бишкек: Илим, 1999. - 143 с.
15. Кытайдагы кыргыздардын социалдык абалы (1950– 1990-жж.). / Ред. Эгемберди Маанаев. – Бишкек, 2001. - 173 бет. (монография). - ISBN 9967-506-98-9
16. Кыргыз этнографиясы боюнча сөздүк. Түзгөндөр О. К. Карапаев, С. Н. Эралиев. -Б.: Бийиктик, 2005. 600 б.
17. Каримбекова Н.К. История формирования этно-политической территории кыргызистана (XVII-XIX вв.). Бишкек, 1994. 243-с.
18. Табышалиев С.Т. К вопросу о происхождении киргизского народа. Бишкек, 1989.
19. Кыдырбаева Р.З. Генезис эпоса «Манас», Ф., 1990.
20. Молдабаев И.Б. Эпос «Манас» как источник изучения духовой культуры киргизского народа. Ф., 1989.
21. Анвар Байтур. Лекции по истории кыргызов. Б-567. 1993.
22. Резолюция международной научной конференции: «Кыргызы: этногенетические и этнокультурные процессы в Центр. Азии в древности и средневековье». Бишкек, 24 сентября 1994 г.

23. Кляшторный С.Г, Мокеев., Мокрынин В.П. Кыргызы и Кыргызстан: опыт нового исторического осмысления. Б. 345 –С. 1994.
24. ChoroteginT.,Umerbektegin T.Junnu Doorundagi Babalarımız /Kırgızlar: Sanjıra, Tarih, Muras, O’no’r / Tüz. K. Jusupov.-3 kitap,-5.,1995; ChoroteginT.K. Etnicheskie Situasii v Tyurkskikh Regionah Sentralnoy Azii Do mongolskogo Vremeni, Bishkek,1995; ChoroteginT.K.Moldokasimov
25. UmurkolovA. Askak Bo’runun Armani,Tarihi Roman, Bishkek,1998; Umurkul Kara Ulu Eski Turk Tarihi,Bishkek,1994
26. İstoriya Eniseyskikh Kırgızov, Abakan, 2000.
27. Jasliqov A. Estutum, Bishkek, 2004.
28. Omurzakov S.İstoriya Kırgızov I Kırgızstana.Ders Kitabı,Bishkek,2001.
29. Mokeev A. K Voprosu ob Etniçeskikh svyazyah Kırgızov I Karlukov //“Manas”Universitesi,Koomdukİlimler Dergisi,Bishkek,2001.
30. Osmonov O’.J. Asankanov A.A. Kırgızistan Tarihi, (Enbayır kidoordo nazırkı Mezgilge Çeyin) .Jogorku, okuu jayları içinokuu kitabı, Bishkek, 2001, toluktalıp 2. Bas. Bishkek, 2003.
31. Avazov R. Historical dictionary of Kyrgyzstan. Oxford, 2004. –p .417.
32. Акунов А. Государственное управление Кыргызстана в транзитный период. — Бишкек, 1999. —268 с. 16,7.
33. Галиева Зайраш. Политическая трансформация суверенного Кыргызстана: динамика и особенности. – Бишкек: Кыргыз. Нац. Ун-т, 2007. – 369 стр.
34. Байдилдеев Ж. Кыргыз-казак интеллигенциясынын байланыштары (XX к. башы). – Бишкек: Макспринт, 2015. – 172 б.
35. Молдокасымов К.С. XIX кылымдын экинчи жарымы –XX кылымдын башындагы кыргыз-өзбек элдеринин тарыхый байланышынын өнүгүшү (автореферат), Бишкек, 1994.
36. Кожобеков М.Ч. Орто кылымдардагы кыргыздардын этносаясий тарыхынын негизги өнүгүү баскычтары (V—X кк.): Тарых илим. канд. ... дисс. авторефераты. — Бишкек, 1997. — 23 б.
37. Караев О. К. Арабские и персидские источники IX—XII вв. о киргизах и Киргизии. — Фрунзе: Илим, 1968. — 102 с.
38. Машрапов Т.Т. Значение персоязычных источников в изучении истории Киргизстана XVI-XVII веков. - Ташкент, 1989. – 21 с.
39. Кылычев А. М. История Притяньшанья и сопредельных территорий в свете произведения Шараф ад-Дина Али Йезди "Зафар-наме" XIV-XV вв.- Бишкек: 2005. - 38 с..

40. Timurlan Omorov. Kırgızların Türkistan Hanlıkları İle İlişkileri (XV.-XIX. YY. Arası).
Türkiye Alim Kitapları, 2014. - (October 7, 2014). (Turkish Edition) (Turkish) Paperback – ISBN-10: 3639670493. ISBN-13: 978-3639670493. - 305 б.
41. Батырбаева Ш.Д. Эпоха сталинизма в Кыргызстане в человеческом измерении. - М.: Российская политическая энциклопедия; Фонд "Президентский центр Б.Н.Ельцина", 2010. - 215 с.
42. Ошская область Кирг. ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.): Автореферат канд. диссерт. Ф., 1987.
43. Москалев М. И., Табалдиев К. Ш., Митько О. А. Культура средневекового населения Внутреннего Тянь-Шаня и сравнительный анализ с определенными регионами Центральной Азии. - Б., 1996
44. Москалев М. И. Археологические исследования в районе Кум – Тора. // Вестник КГНУ.- Выпуск 3. Общественные науки. Часть 2. Бишкек, 1998.
45. Москалев М.И., Табалдиев К.Ш., Бозер Р. Археологические исследования в Алайской долине // Ош и Фергана: археология, новое время, культурогенез, этногенез. – Выпуск 4. – Бишкек, 2000. С. 87-93.
46. Табалдиев К.Ш. Курганы средневековых кочевых племен Тянь-Шаня. – Бишкек, 1996. – 256 б.; Табалдыев Кубат Шакиевич. Древние памятники Тянь-Шаня. - Бишкек: V.R.S. Company, Университет Центральной Азии, 2011. - 320 стр. - ISBN 978-9967-26-422-9.
47. Жумабаев Б. М. Русские экспедиции на Памир и Алай во второй половине XIX – начале XX вв. - LAP Lambert Academic Publishing, 2012. - ISBN-10: 3659249408; ISBN-13: 978-3659249402. – 188 с.; Жумабаев Б. М. Южный Кыргызстан глазами российских путешественников (вторая половина XIX - нач. XX вв.) / Отв. ред. член-корр НАН КР, проф. К. У. Усенбаев; ред. В. Я. Галицкий. – Бишкек: Гос. дирекция «Ош-3000» при Правительстве КР, 1999. – 133 с. – (Посвящается 3000-летию города Ош). - ISBN 9967-20-078-2
48. Урстанбеков Б.У., Чороев Т.К. Кыргыз тарыхы: Кыскача энциклопедиялык сөздүк. — Фрунзе: Кыргыз Совет Энциклопедиясынын Башкы редакциясы. 1990. — 288 бет. — (История Киргизии: Краткий энциклопедический словарь). — (В со-авторстве с кандидатом исторических наук, доцентом Бейше Урстанбековым). — ([ISBN 5-89750-028-2](#)).
49. Тургуналы Т., Асаналиев К., Керимбаев М., Чоротегин Т.К. Кыргыз Жумуриятынын Конституциясынын долбоору: Альтернативдик долбоор. Проект Конституции Республики Кыргызстан: Альтернативный проект. — Бишкек, 1992. — (Авторы: Т.Тургуналы, К.Асаналиев, М.Керимбаев, Т.Чоротегин.

50. Чоротегин Т. К. Этнические ситуации в тюркских регионах Центральной Азии домонгольского времени: По мусульманским источникам IX—XIII вв. Бишкек: Фонд «Сорос-Кыргызстан», 1995. — 208 с. (Научный редактор Б. А. Ахмедов).; Чоротегин Тынчтыкбек Кадырмамбет уулу. Махмуд Кашгари Барсканин «Дивану лугати т-турк» эмгеги түрк элдеринин тарыхы боюнча көөнөргүс булак: Илимий басылыш / Редколлегия: К. С. Молдокасымов (төрага), ж.б.; илимий редакторлор профессор Т. Өмүрбеков, доцент К. С. Молдокасымов. — Бишкек: “Турап” басмасы, 2017. - 376 б., сүрөт, карта. – “Мурас” фонду. [“Тарых жана мурас” түрмөгү]. - “Кыргыз Тарых Коому” эл аралык коомдук бирикмеси. - ISBN – 978-9967-15-701-9. (Труд Махмуда Кашгари Барскани «Дивану лугати т-турк» - неиссякаемый источник по истории тюркских народов: Научное издание); Чоротегин Т. К. Махмуд Кашгари (Барскани) жана анын «Дивану лугати-т-турк» сөз жыйнагы: (1072—1077). Жооптуу редактор Өмүркул Караев. — Бишкек: Кыргызстан, 1997. — 169 бет, сүрөт, карта. — ([ISBN 5-655-01222-7](#)) (Махмуд Кашгари (Барскани) и его словарь «Дивану лугати-т-турк» (1072—1077) / Ответственный редактор Омуркул Караев).

51. Чоротегин Т. К. Очерки истории кыргызов и Кыргызстана: (С древнейших времен до конца XVIII века) // Кыргызы: 14-ти томник. 11-й том. Источники, история, этнография, культура, фольклор / Составители: Кенеш Жусупов, Каныбек Иманалиев; редакторы Темир Асанов, Рыскул Жолдошов. — Бишкек: Бийиктик, 2011. — ISBN 978-9967-13-792-9. — С. 157—195.

52. Чоротегин Т. К. Краткий курс по изучению арабской графики современных кыргызов КНР: Учебное пособие для студентов-историков / Отв. ред. проф. Т. Н. Омурбеков. — Бишкек: Кырнацуниверситет, 2002. — 22 с. — ISBN 9967-403-49-7. - URL: <http://bizdin.kg/книга/краткий-курс-по-изучению-арабской-графики-современных-кыргызов-кнр/>

53. Чоротегин Т. К. Учебники по истории кыргызов и Кыргызстана для 6-8 классов средних школ (Бишкек, 1996—2009). (в нескольких изданиях; в соавторстве с профессором Т. Н. Омурбековым).; Өмүрбеков Т.Н., Чоротегин Т.К. Кыргыздардын жана Кыргызстандын жаңы доордогу тарыхы: (XVII - XX кк. башы): Орто мектептердин окуучулары үчүн кошумча сынак окуу куралы / Жооптуу редакторлору К.Үсөнбаев, А.Асанканов. — Бишкек: «Кыргызстан» басмасы, 1995. — 187 б. - [ISBN 5-655-01032-1](#).

54. Чоротегин Т. К., Молдокасымов К.С. Кыргыздардын жана Кыргызстандын кыскача тарыхы: (Байыркы замандан тартып бүгүнкү күнгө чейин): Тарыхты окуп үйрөнүүчүлөр үчүн. — Бишкек, 2000. — (Краткая история кыргызов и Кыргызстана. На кыргызском языке). (Со-автор кандидат исторических наук Кыяс Сатарович Молдокасымов). ([ISBN 99-67-00-001-5](#)). — 160 стр.

55. Чоротегин Т., Осмонов ئ., ئەمۇرбەكөв ت., Нурунбетов ب. Байыркы дүйнө тарыхы: Орто мектептин 6-классы үчүн окуу китеби. - Бишкек: "Шам" басмасы, 2005. - 256 б., карталар. - [ISBN 9967-10-228-4](#).

56. ئەمۇرбەكөв ت.Н. Эл башылар, эрендер жана эл тарыхы: (Тарыхий очерктөр). - Бишкек: Макспринт, 2014. - 228 бет. - "Тарых жана мурас" түрмөгү. - ISBN 978-9967-12-386-1.; ئەمۇرбەكөв ت.Н. Улуу инсанlardын Кыргызстандын тарыхындагы ролу жана орду: (19-к. ортосу – 20-к. башы). – Бишкек: Бийиктик, 2003. – 288 бет. – ISBN 9967-13-064-3. ; ئەمۇرбەكөв ت.Н. Атаке баатыр баяны (Тарыхий очерк). - Б.: Бийиктик, 2005. 10 б.т.; ئەمۇرбەكөв ت.Н. Боромбай (Тарыхий очерк). - Б.: АРХИ, 2003. 4 б.т.; ئەمۇرбەكөв ت.Н. Жантай жана Жангарач (Тарыхий очерк). - Б., 2006. 76.т.; Омурбеков Т.Н. Эпос «Манас» и взаимосвязь кыргызов с соседними народами // Эпос "Манас" как историко-этнографический источник. Тезисы международного научного симпозиума, посвященного 1000-летию эпоса "Манас". - Бишкек, 1995. - С. 62-64.; ئەمۇرбەكتегин ت.Н., Чоротегин ت.К. Түндүк Кыргызстандын Орусияга каратылыши. - Бишкек: "Учкун" концерни, 1992. - 24 бет.; ئەمۇرбەكөв ت.Н., Чороев Т.К. 1916-ж. көтөрүлүшкө кимдер катышкан // Кыргыз маданияты. - 1991. - 9-май. ئەمۇرбەكөв ت.Н. 1916-жыл: Азаттык көтөрүлүшү. 1916-жылкы улуттук боштондук көтөрүлүшүнүн 95 жылдыгына арналган илимий конф. материалдары. - Б., 2011. - Б. 308-309. ; ئەمۇرбەكөв ت.Н. Кыргызстандагы 1916-жылкы көтөрүлүш: Обөлгөлөрү, очоктору жана тарыхый мааниси // 100-летие национально-освободительного восстания 1916 года: Историческая память и современное значение . - Б.: БГУ, 2016. - С. 35-51.

57. Омурбеков Т.Н. Участие народностей Семиречья в национально-освободительном движении в начале XX в. (1900-1917 гг.): Дисс. на соискание уч. степ. канд. ист. наук. - Алма-Ата, 1986. - 218 с.

58. Осмонов О.Дж. История Кыргызстана (с древнейших времен до наших дней). Учебник для вузов. 6 издание. – Бишкек, 2016 (русск.) 632 с.; Осмонов ئ.Ж. Кыргызстан тарыхы (эн байыркы доордон азыркы мезгилге чейин). Жогорку окуу жайлары үчүн окуу китеби. – Бишкек, 2016. 604 б. ; Осмонов ئ.Ж. Кыргызстан тарыхы (Байыркы доордон азыркы мезгилге чейин) экзаменендик 100 суроого жооп. Экспресс-справочник. — Толукталып 17-басылышы. - Бишкек, 2017. 404 с.; Осмонов О.Дж. История Кыргызстана (С древнейших времен до наших дней) 100 экзаменационных ответов. 16-ое издание Экспресс-справочник. – Бишкек, 2017. 380 с.; Osmonov O.J., Turdalieva Ch.J.A History of Kyrgyzstan (From Stone Age to the Present): School and university textbook. – 2nd Edition. – Bishkek, 2016. – 472 p.; Осмонов ئ.Ж. ж.б. “Тарых” Орто мектеп. 5-кл. үчүн сынакка коюлган окуу китеби - Б., “Билим - компьютер”, 2017, - 196 б.; Осмонов ئ.Ж. ж.б. “Тарых” Орто мектеп. 6-кл. үчүн

сынакка коюлган окуу китеби - Б., “Билим - компьютер”, 2017, - 200б.; Осмонов ئ.Ж. ж.б. “Адам жана қоом” Орто мектеп. үчүн сынакка коюлган окуу китеби - Б., “Билим - компьютер”, 2017, - 144 б.; Осмонов ئ.Ж. ж.б. “Адам жана қоом” 6-кл. Орто мектеп. үчүн сынакка коюлган окуу китеби - Б., “Билим - компьютер”, 2017, - 144 б.; Осмонов ئ.Ж. ж.б. “Адам жана қоом” 5-кл. Орто мектеп. үчүн сынакка коюлган окуу китеби - Б., “Билим - компьютер”, 2017, - 136 б.; Осмонов ئ.Ж. “Орто кылымдар тарыхы” 7 – класс үчүн окуу китеби. Ондолуп. 2 – басылыши. – Б.; 2016. – 256 б; Осмонов ئ.Ж. Кыргызстан: Энциклопедия 8 – том – Б., 2016. “Тарых” бөлүмү 216 б.; Осмонов О.Дж. Кыргызстан: Энциклопедия: 9 – том – Б., 2016. Раздел “История”. стр.246.; Осмонов ئ.Ж. Кыргызстан тарыхы боюнча окуу программалары, 5 – 11 – кл.: 9-басылыши 2016ж. Көлөмү Зп.л.; Осмонов ئ.Ж. Жалпы билим берүүчү уюмдар (мектеп, гимназия, лицей) үчүн. Кайра редакцияланып, 9 – бас. / жетекчиси ئ.Ж. Осмонов. – Б., 2016. кырг, орус тилдеринде – 102 б.; Осмонов ئ.Ж. Дүйнө тарыхы боюнча окуу программалары, 5 – 11 – кл.: Жалпы билим берүүчү уюмдар (мектеп, гимназия, лицей) үчүн. Кайра редакцияланып, 9 – бас / жетекчиси ئ.Ж. Осмонов – Б., 2016. кырг. орус тилдеринде – 90 б.

59. <https://www.opendemocracy.net>
60. Mokrynin V., and V. Ploskikh. Kyrgyzdardyn jana Kyrgyzstandyn taryhy (sovettik doorgo cheyinki mezgil) Bishkek: Ilim, Tabylga. 2003. 200 b.
61. Moldokasymov K. Shabdandyn petitsiyasy. In Shabdan Baatyr. 1992. 103–112.; Üsönbaev K. Shabdand Baatyr. In Shabdan Baatyr. 1992), 145–150.; Jakupbekov J. Shabdandyn taryhtagy ordu jönündö söz In Shabdan Baatyr 1992. 51–54.; Jusupov K. Shabdand Baatyr. Bishkek: Uchkun. 1992. 176 p.
62. Otorbaev K. I.R. Razzakov and development of populist economy in Kyrgyz SSR. (1945 1961 yy.). 2000. 8–11.; Djunushaliev Dj. I.R. Razzakov and development of science in Kyrgyzstan. 2000. 16–18. Attokurov S. Iskhak Razzak uulu and production. 2000. 18–22.; Askarov T. Razzakov and development of culture in Kyrgyzstan. 2000. 23–25.
63. Doronbekova R., V. Mokrynin, and V. Ploskikh. Kyrgyzdardyn jana Kyrgyzstandyn taryhy (sovettik doorgo cheyinki mezgil). 1993.. Bishkek: Ilim, Tabylga. 200p.
64. Asankanov A. A. O. Dj. Osmonov. History of Kyrgyzstan: From ancient times to the present. 2002. Bishkek: Kyrgyz State Pedagogical University. 576 p.
65. Voropaeva V. A. Ploskikh V.M. Textbook on history of Kyrgyzstan. Bishkek: Raritet-Info. 2004. 309p.
66. Chotonov U. Kyrgyzstan in the 20th century. Bishkek: Kyrgyzstan. 1998. 344p.
67. Tabyshalieva A. Historical Studies in Kyrgyzstan 1917–2000. *Asian Research Trends*, no. 2001. 11:1–13.

68. Tchoroev T. K. Historiography of Post-Soviet Kyrgyzstan. *International Journal of Middle East Studies*, 2002. no. 34:351–374.
69. Djumanaliev T.D. Problems and perspectives of the Kyrgyz historiography. *Kyrgyzstan Taryhyнын Маселеси*, 2006.no. 1:7–10.